



e-ISSN:2582-7219



# INTERNATIONAL JOURNAL OF MULTIDISCIPLINARY RESEARCH IN SCIENCE, ENGINEERING AND TECHNOLOGY

Volume 5, Issue 6, June 2022



INTERNATIONAL  
STANDARD  
SERIAL  
NUMBER  
INDIA

Impact Factor: 7.54



6381 907 438



6381 907 438



ijmrset@gmail.com



www.ijmrset.com



# Partnership between School and Parents as Criteria for Lesson Discipline

Nasiba Kholboevna Elmurzaeva<sup>1</sup>

Senior Lecturer of the Department of General Pedagogy, Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region, Uzbekistan<sup>1</sup>

**ABSTRACT:** In this article, we are talking about the principles of ensuring student participation in school activities. From the author gives practical recommendations for strengthening the cooperation of the school and parents.

**KEYWORDS.** School, family, student, class, cooperation, behavior, education.

## МАКТАБ ВА ОТА-ОНАЛАР ҲАМКОРЛИГИ – ДАРС ИНТИЗОМИНИ ТАЪМИНЛАШ МЕЗОНИ СИФАТИДА

Насиба Холбоевна Элмурзаева<sup>1</sup>

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти  
“Умумий педагогика” кафедрасида ўқитувчиси<sup>1</sup>

**Аннотация.** Мазкур мақолада мактаб ва ота-оналар ҳамкорлиги асосида ўқувчиларнинг дарс машғулотида доимий иштирок этишини таъминловчи меъзонлар ҳақида фикр юритилган. Бу борада мактаб ва ота-оналар ҳамкорлигини кучайтириш бўйича амалий таклифлар билдирилган.

**Калит сўзлар.** Мактаб, оила, ўқувчи, дарс, ҳамкорлик, ахлоқ, тарбия.

**Аннотация.** В данной статье речь идет о принципах обеспечения участия учеников в школьных занятиях. Со стороны автора даётся практические рекомендации для укрепления сотрудничества школы и родителей.

**Ключевые слова.** Школа, семья, ученик, занятия, сотрудничество, поведение, воспитание.

Фарзанд аввало оила бағрида униб-ўсади, шахс сифатида шаклланади. Бола оилада жисмонан, фикран ва ахлоқан тарбияланиши, соғлом фикр ва яхши ахлоқ билан тарбияланган бўлиши лозим. Оиладаги таълим-тарбия, маънавий-ахлоқий қадриятлар кейинчалик жамиятдаги ижтимоий муносабатларда, маҳаллада, олий ва ўрта таълим муассасаларида шаклланади. Оилада соғлом муҳитни яратиш, ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, фарзандларга чуқур билим асосларини ўргатиш, уларнинг маърифатли ва маънавиятли кишилар бўлиб етиштирилсини таъминлаш, касб-хунар эгаллаб, жамиятга нафи тегадиган инсон бўлишида мактаб ва ота-оналар ҳамкорлигининг ўрни беқиёсдир.

Ёш авлодга замонавий таълим бериш билан бирга, уларни умуминсоний ва миллий қадриятлар, юксак ахлоқий фазилатлар руҳида тарбиялаш масаласи давлатимизнинг доимий эътиборида. Ушбу шарафли ва



масъулиятли ишларни амалга оширишда бир-бирига чамбарчас боғлиқ уч омил: «оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этамоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июндаги "Баркамол авлодни тарбиялашда оила институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 175-сонли қарори ижросини таъминлашда асосий эътиборни оила-таълим-маҳалла ҳамкорлиги самарадорлигига эришиш, ота-оналарнинг фарзандлар тарбиясидаги ўрни, мажбурият-масъулиятини кучайтириш, ўқув муассасаларида таълим-тарбия сифатини ўрганиб, уларни такомиллаштиришга оид тадбирларни амалга оширишга қаратмоғимиз зарур.

Мактаб ва ота-оналар ҳамкорлигини янада ривожлантириш ҳамда дарс интизомини таъминлаш энг мураккаб, кенг қўламли масалалардан биридир. Бундай улкан, масъулиятли, шарафли ишни оила, маҳалла, мактаб, кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда олиб бориш муҳим ўрин эгаллайди.

Тарбия оиладан бошланар экан, болаларга бериладиган дастлабки маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий тушунча, тасаввур ва малакалар ота-онанинг саводхонлиги даражасига боғлиқ деб ҳисоблаймиз. Айниқса, болалар онгига маънавият, мафкура, ахлоқ, тиббий маданият, бурч, ҳуқуқ тушунчаларини сингдириш ота-онадан маълум билим ва кўникмани талаб этади. Бунда оиланинг вазифалари соғлом муҳитни яратиш, ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, фарзандларга чуқур дунёвий билим асосларини бериш, уларнинг маърифатли ва маънавиятли кишилар бўлиб етишишларини таъминлаш, бозор муносабатларига мос бўлган касб-хунар ўргатиш, онгига иктисодий тушунчаларни сингдиришдан иборатдир.

Шунингдек, мактаб ва ота-оналар ҳамкорлиги асосида болани мустақил фикрлашга ўргатиш ва миллий мафкурага садоқат руҳида тарбиялаш, улардаги истеъдод куртакларини ривожлантириш учун зарур шароитларни яратиш, санитария-гигиеник, экологик кўникмаларни сингдириш, диний ақидапарастлик, ичкиликбозлик, гиёҳвандликка қарши тарбияни амалга ошириш ҳам ўта муҳим саналади.

Мактаб ва ота-оналар ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашда мамлакатимиздаги ўн мингдан зиёд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида "Оила-маҳалла-таълим муассасаси" жамоатчилик кенгашлари ташкил этилиб, мактабларда дарс интизомини тўлиқ таъминлаш самарадорлигига эришилмоқда.

И.Каримовнинг "Юксак маънавият—енгилмас куч" китобида "Одобли, билимдон ва ақли, меҳнатсевар, иймон-эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлигидир", деб таъкидлаган.<sup>1</sup> Ушбу талаб асосида мактаб ва ота-оналар ҳамкорлиги асосида дарс интизомини таъминлаш мезонларига алоҳида эътибор берилмоқда. Ушбу масала юзасидан мактабларда дарс интизомини тўлиқ таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июндаги "Баркамол авлодни тарбиялашда оила институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги мажбурият ва

---

<sup>1</sup>Каримов И.А. "Юксак маънавият—енгилмас куч". Т.: "Ўзбекистон", 2008. - Б 42.



масъулиятини кучайтириш, ўқув муассасаларида таълим-тарбия сифати, самарадорлиги ҳамда макатабларда дарс интизомини тўлиқ таъминлашини яхшилашда муҳим омил бўлмоқда.

**Хулоса** ўрнида шуни айтиш керакки, юқоридаги фикр ва мулоҳазаларимиз мактабда ўқувчиларнинг дарс интизомини таъминлашда мактаб ва ота-оналар ҳамкорлиги жуда катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Бу ўринда маълумотлар алмашинуви, мактабда ўқувчилар фаолияти, дарсларни ўзлаштириши, муаммолари шаффофлик ва очиқлиги таъминланса барча масалаларни ўз вақтида ҳал қилишга эришилади.

Бундан ташқари, оила, маҳалла ва таълим муассасалари билан ҳамкорликда ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишда уларни замонавий, касб-хунарга ўргатиш, спорт машғулотларига жалб этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Шунингдек, маҳалла профилактик инспектори ҳамда маҳалла фаоллари билан биргаликда ўқувчиларнинг дарс интизомини таъминлашда ўз хиссасини қўшиши лозим.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. И.А.Каримов. Юқсак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // “Халқ сўзи” газетаси. 2013 йил 7 декабрь.
3. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури. Ўқувчи маънавиятини шакллантириш. – Тошкент: 1997.
4. М.Қуронов. Узлуксиз таълим жараёнида баркамол шахсни тарбиялаш тизими рисола. – Тошкент: 2005.
5. “Бир болага етти қўшни – ота-она” шиори остида маънавий-маърифий тадбирлар комплексини ташкил этиш тўғрисидаги қўшма қарор. – Тошкент: 2008.



**INNO SPACE**  
SJIF Scientific Journal Impact Factor  
Impact Factor  
7.54

**ISSN**

INTERNATIONAL  
STANDARD  
SERIAL  
NUMBER  
INDIA



# INTERNATIONAL JOURNAL OF MULTIDISCIPLINARY RESEARCH IN SCIENCE, ENGINEERING AND TECHNOLOGY

| Mobile No: +91-6381907438 | Whatsapp: +91-6381907438 | [ijmrset@gmail.com](mailto:ijmrset@gmail.com) |

[www.ijmrset.com](http://www.ijmrset.com)